

НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ

ISSN 2541-7827



*Международный научный журнал
Выпуск № 5
Казань, 2018*

СОДЕРЖАНИЕ

Секция «Экономика и управление»

- Стр. 6 Козлов К.И. Современные проблемы аудита СМК на радиоэлектронных предприятиях
Стр. 9 Хабибуллин А.И. Организация управления интеллектуальной собственностью на предприятиях
Стр. 14 Хабибуллин А.И. Ключевые этапы построения системы управления интеллектуальной собственностью на инновационных предприятиях

Секция «Правоведение»

- Стр. 18 Зокиров З.Х., Латифов М.А., Саидов Н.Т. Наказание в мусульманском уголовном праве: незабытая история
Стр. 24 Зокиров З.Х., Латифов М.А., Саидов Н.Т. Исторический аспект конфискации имущества во времена завоевания Арабского халифата на территории исторического Таджикистана
Стр. 29 Зокиров З.Х., Латифов М.А., Саидов Н.Т. Особенности конфискации имущества и другие виды наказания в государстве Тимуридов: исторический аспект
Стр. 34 Самохвалов А.Д. Особенности доказательственной деятельности прокурора при поддержании государственного обвинения

Секция «Актуальные вопросы развития общества»

- Стр. 37 Ефимова Е.Э. Этнографический туризм в Сургутском районе
Стр. 40 Костышева Л.Н., Задорожная Т.Н., Акованцев Г.П. Особенности системы мониторинга окружающей среды промышленного города
Стр. 45 Климонтова О.А. Проблема интернет-зависимости среди молодежи
Стр. 49 Федина Г.И. Актуальность разработки концепции свадебного маршрута по территории ХМАО-ЮГРЫ

Секция «Естественные науки. Техническое решение»

- Стр. 53 Гулмирзаева С.М., Болтаева Ш.О. Ikki o'chamli kompakt ko'rxilliklarda vektor maydon maxsus nuqtalari indeksi (на узб.)
Стр. 58 Латифов Н.Ф. Ecological safety and sustainable development (на англ.)
Стр. 61 Мелибаев М., Қидиров А.Р., Нишонов Ф.А., Хожиев Б.Р. Определение глубины колеи и деформации шины в зависимости от сцепной нагрузки, внутреннего давления и размеров шин ведущего колеса
Стр. 67 Нишонов Ф.А., Хожиев Б.Р., Қидиров А.Р., Омонбоев Х.У. Дон мақсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси (на узб.)
Стр. 71 Панченко Е.Н. Разработка конструкторско-технологической документации для муфты сцепления



ДОН МАХСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Нишонов Фарход Ахмадхонович,
Хожиев Бахром Рахматуллаевич,
Қидиров Адхам Рустамович,
Омонбоев Ҳушидбек Улузбек ўғли,
Наманганский инженерно-педагогический
институт, г. Наманган, Узбекистан*

E-mail: hamkarab@inbox.uz

Республикамиз ғалла мустақиллигига эришди. Яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда киска вақт ичида ҳақиқий мўжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буғдой етиштирилган ўлкада бугун миллион-миллион тонналик олтин ранг хирмонлар товланиб турибди. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича йилига 7,5 млн. тоннага яқин дон етиштирилмоқда.

Донни қайта ишлаш корхоналарида технологик жараёни ташкил қилиш ва бошқариш замонавий илмий асосларга суянмоғи керак. Ун ва ёрма заводларида доннинг технологик хоссалари муҳум аҳамиятга эга. Жараёнинг технологик самарадорлигини таъминлаш учун бу хоссаларини оптимал даражада барқарорлаштириш лозим.

Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни самарали ташкил этиш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини кескин яхшилаш энг муҳим масъулиятли вазифалардан биридир. Бу борада йил бўйи узиллишларга йўл қўймаслик, талаб даражасидаги маромга эришиш масалаларнинг моҳиятини янада кучайтиради, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ишларига алоҳида эътиборни талаб этади.

Дон майдонларининг кенгайиб бориши ҳамда дон ялпи ҳосилнинг ортиши дон маҳсулотлари тизимини такомиллаштириш ва кенгайтиришни тақазо этмоқда. Зеро, етиштирилган маъжуд ҳосилни сифатли сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек истеъмолчиларга мунтазам равишда бекаму кўст етказиб бериш дон маҳсулотлари тизими олдидаги энг асосий вазифадир. Шу боис республикамизнинг кўпгина вилоят ва туманларида кўплаб замонавий омборлар ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқда.


Маълумки дон инсон ҳаётида қиёслаб бўлмайдиган аҳамиятга эга. Инсон истеъмол этадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тахминан 65-75%и дондан тайёрланади. Дондан саноатда кўплаб ун, ёрма ва омухта-ем каби

бирламчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Халқимизнинг бу маҳсулотларга бўлган талаби бениҳоят каттадир. Аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш ҳозирги бозор муносабатлари барқарорлашиб бораётган бир даврда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришга фақатгина кўплаб дон етиштириш орқали эришиб бўлмайди. Етиштирилган дон, ёрма ва омукта емларни сифатли ва беисроф сақлай билиш лозим. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш соҳасида кўйидаги масалаларни ҳал этиш муҳим вазифалардан биридир.

1-Масала - маҳсулотни исрофсиз сақлашга эришиш ёки маҳсулот камайишини мумкин қадар қисқартиришга эришиш.

Дон ва дон маҳсулотларининг табиий камайишини йўқолиш хусусиятига кўра 2 гуруҳга бўлиш мумкин: биологик ва механик. Бу камайишни кўйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

2-Масала – дон маҳсулотларини сифатини пасайтирмасдан сақлаш. Сақлаш амалиётида дон маҳсулотлари ва уруғ сифатининг пасайиши бу маҳсулотларни сақлаш давомида етарлича назорат қилмаслик оқибатида келиб чиқади.



1-расм. Сақлашда дон сифати ва вазнини пасайтирувчи омиллар

3-Масала-сақлаш мобайнида дон маҳсулотлари сифатини ошириш. Дон маҳсулотларининг сифатли сақланиши энг аввало уларни етиштириш омилларига боғлиқ. Яхши агротехникада етиштирилган, тўла пишган тўлик донлар сифатли сақланади. Бундан ташқари дон маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш учун уларга сақлашга жойлаштиришдан олдин ишлов бериледи. Бунинг учун дон барча турдаги аралашмалардан тозаланади. Дон ва дон маҳсулотлари намлиги давлат стандартида белгиланган кўрсаткичга

келтирилади.

Дон ва дон маҳсулотларини сақлашда белгиланган аниқ режимларни тадбиқ этиш ҳамда замонавий илғор технологияларни жорий этиш ҳам маҳсулотларнинг сифатини сақланиши гаровидир.

4-масала мумкин қадар оз меҳнат ва моддий маблағлар сарфлаб юқори натижаларга эришиш, яъни маҳсулот исрофини камайтириш, ҳамда сифатини оширишга эришиш.

Кўпгина амалий тажрибалар шуни кўрсатадики ишлаб чиқариш самарадорлигини куйидаги усуллар билан ошириш мумкин:

- маҳсулот сақланадиган иншоотларни яхшилаш;
- сақлашга жойлаштиришдан олдин маҳсулот сифатини изчил назорат қилиш;
- соҳа мутахассисларини малакаларини мунтазам ошириб бориш;
- замонавий илғор технологияларни жорий этиш;
- ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва маҳсулотдан рационал фойдаланиш.

Дон маҳсулотларининг нотўғри реализация қилиниши ишлаб чиқаришда кўпгина исрофларга олиб келиши мумкин.

Дон ва дон маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаш мақсадида Республикамиз дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида кўйидаги технологик тадбирлар йўлга қўйилган.

- дон уюминин барча турдаги аралашмалардан тозалаш. Дон қанчалик тоза бўлса унинг сақланиши ҳам, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Донни тозалаш учун дон корхоналарида турли ҳажмли ва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дон тозаловчи ускуналардан фойдаланилади.

- донни куригиш. Дон куригишда намлик шундай кўрсаткичга олиб келинадики, бу намликда дон узок ва сифатли сақланиши лозим.

- совутиш режимларини қўллаш. Дон ва дон маҳсулотларининг сифатли сақланиши кўп жиҳатдан ҳаво режимига боғлиқ.

- маҳсулотларни зарарли микроорганизм ва зараркунанда ҳашарот ҳамда кемирувчилардан ҳимоялаш. Бу жараён анча мураккаб ҳисобланади. Маҳсулотларни бу таъсирлардан ҳимоялаш учун иншоотлар дезинфекция қилинади, кимёвий препаратлар қўлланилади.

Бугунги кунда корхоналарда қўлланилаётган циклонларда кечаётган технологик жараённи визуал кузатиш имконияти йўқ, филтрловчи материаллар тешиклари чанг билан тулиб қолганда эса уни алмаштириш учун кўп вақт сарфланади. Хусусан циклоннинг цилиндрлик корпусига кузатув ойналарини ўрнатиш туфайли унда кечаётган технологик жараённи бевосита кузатиш мумкин. Филтрлаш камерасидаги филтрловчи материалларни чангдан тозалаш ёки алмаштириш унинг корпусини цилиндрлик ва конуссимон қисмларга ажралувчан ҳолатда таёрлаш мақсадга мувофиқ циклонга техник хизмат кўрсатиш осонлашади. Филтрловчи материални мунтазам тозалаш ва

ниш жараёнини кузатиш мумкин. Ун чангини туларок тутиб қолиниши натижасида ун сифати ортишига сабаб бўлади. Цилиндрик ва конуссимон қисимлардан иборат булган қурилма. Циклонни тузилиши содда ҳаракатланувчи қисмлари йўқ чанларни нисбатан юқори тозаликда ажратади. Умуман олганда циклон ишнинг самарадорлиги ажратилаётган заррачалар ўлчами хаво оқимининг тезлиги ва қурилма қисмларининг геометрик ўлчамлари нисбатан боғлиқ бўлади. Шу сабабдан катта ҳажимдаги газларни тозалаш учун битта катта диаметрини циклон ўрнига бир нечта кичик диаметри циклон гуруҳлари ишлатиш тавсия этилади.

Литература:

1. Мелибаев М., Дедаходжаев А., Килдиров А. Разработка агрегатов для основной и предпосевной обработки почвы для посева промежуточных культур. ФарПИ илмий техника журнали. 2014. № 2.
2. М. Мелибаев. Тракторнинг кўшимча охириги узатмасининг мустақкамлигини ошириш йўллари Фар, техника ва ишлаб чиқариш. Халқаро илмий-амалий анжуман. Андижон. 1994 й.